

АРАБ МАТБУОТ ТИЛИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

Нигора Сабитовна Азимова

Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатия Университети

Шарқ тиллари кафедраси ўқитувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

nigoraazimova1985@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари расмий мулоқотда ҳам муайян тарзда акс этади. Ахборотлашув таъсирида араб тилида эълон қилинадиган расмий ахборотлар ҳажми кенгайиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, газета, журнал саҳифаларидаги матбуот тилининг хусусиятларини таҳлил этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур мақолада Араб мамлакатларида газета ва журналларидан араб грамматикасининг қай тарзда ишлатилиши ҳолатларини кузатишимиз мумкин.

Калим сўзлар: "الأهرام" va "الأخبار" gazetalari, gap, terminlar, ommaviy gazeta . yordamchi fe'llar

ABSTRACT

The specificity of each language is reflected in a certain way in official communication. Thanks to the influence of communication, the volume of official information published in Arabic is expanding. From this point of view, the analysis of the peculiarities of the language of the press on the pages of newspapers and magazines acquires particular importance.

In this article, we can observe how Arabic grammar is used in newspapers and magazines in Arab countries.

Keywords: "Al-Ahram" and "Al-Akhbar" newspapers, speech, terms, public newspaper. auxiliary verbs

КИРИШ

Маълумки, матбуот халқлар ва миллатлар тил бойлиги акс этадиган асосий бўғин ҳисобланади. Айни пайтда, матбуотда адабий тил нормаларига қатъий риоя қилинади. Нима учун биз матбуот тили таҳлиliga ўтдик?- деган савол туғилиши табиий. Ахир матбуот бу публицистик услуб. Чунки бизда расмий музокараларда бевосита иштирок этиб, уни таҳлил этиш имкони йўқ. Матбуотдаги мақолаларда эса расмий учрашувлар ёритилади. Шу жиҳатдан қараганда матбуот тили бизнинг расмий мулоқот мавзусига яқин.

Араб матбуоти феълий жумласида гап бўлаклари асосан икки хил қўлланилади:

1. феъл – ўрин холи – пайт холи – эга

وصل إلى بيروت امس قادمًا من عمان رئيس فرنسا في أطار جولته الحالية في منطقة الشرق الأوسط.¹

2. феъл - эга- тўлдирувчи – ҳол ёки ҳол – тўлдирувчи.

أعلن وزير الخارجية لروسيا الإتحادية معارضة بلاده لتوسّع حلف شمال الأطلسي شرقاً.²

Иккинчи жумланинг бундай бошланишига сабаб у матннинг иккинчи қисми ҳисобланганлигида.

Маълумки араб мамлакатлари 22 давлатдан иборат бўлиб, араб адабий тили борасида араб халқлари яшайдиган мамлакатлар бўйича бир неча вариантлар шаклланганини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, араб адабий тилининг Саудия ҳудудий варианты ва унинг матбуотда акс этилишини тавсифлашга келсак, Форс кўрфази давлатлари ва хусусан, Саудия Арабистони доимо араб мусулмон анъаналари, урф-одатларининг сақловчиси сифатида тушуниланган. Шунинг учун Форс кўрфази давлатларининг матбуоти бошқа араб мамлакталари матбуотига нисбатан мумтоз араб тили анъаналарини кўпроқ сақлаб қолган. Бунга боғлиқ равишда Саудия матбуотида исломга бағишланган китобларда аксарият ҳолларда учратиш мумкин бўлган диний характердаги лексика қўлланилади. Бу масалан қуйидаги иборалар حفظه الله «Уни Аллоҳ сақласин», ايده الله «Уни Аллоҳ қўллаб қувватласин», بعتماد الله «Аллоҳ муҳофазаси ва кўмагида», و رعايته «Аллоҳга таваккал қилиб» ва х.к.з. Бундай субстантивациялашган конструкциялар Саудия Арабистони қиролининг кўп сонли эпитетларидан биридир. Аммо улар Саудия матбуотида улар белгилаётган шахсга бевосита кўрсатишсиз қўлланилади, бу эса ўқувчиларда тушунмовчиликка сабаб бўлиши мумкин.

Саудия матнларида حفظه الله турдаги оборотлар пунктуациянинг турли услублари ёрдамида ажратилади. Бу ерда дефис, қавс қўлланилиши мумкин, ёки тиниш белгилари умуман қўлланмаслиги мумкин. Шу билан бирга, бундай ҳолатда "و" олмоши номловчи ролини ўйнайди. Чунки бу ерга тушум келишиги шаклида қўлланилиши мумкин бўлган ҳар қандай олмош ишлатилиши мумкин, бу у қайси шахсга кўрсатаётганлигига боғлиқ, масалан, حفظهم الله «уларни Аллоҳ сақласин», حفظكم الله «сизни Аллоҳ муҳофаза қилсин» ва х.к.з.

Охирги пайтда حفظهما الله «у икковини Аллоҳ муҳофаза қилсин» шакли охирги пайтда жуда ҳам оммавийлашди, чунки Саудия Арабистони қироли ва

¹ Майбуров Н.А. Читаем и переводим арабскую газету. -М.: Муравей, 2003.-С.12

² Майбуров Н.А.. Читаем и переводим арабскую газету. -М.: Муравей, 2003.-С.14

меросхўр шахзода охирги пайтда биргаликда қайд этилмоқдалар. Одатда, бу формула фақат шу қирол шахсларини номлаганда қўлланилади. Бундан ташқари, агарда ولي العهد “меросхўр шахзода” сўз бирикмаси араб дунёсининг барча мамлакатларида қўлланилса, унинг ёнида матнда Саудия Арабистони қироли қайд этилганида бу ибора бироз ўзгаради ва фақатгина Саудия Арабистонига хос бўлган сўзма-сўз «ҳокимият муддатининг содиқ риюя қилувчиси» шаклида қўлланилади. Масалан:

اجتمع سُمُو ولي العهد قائد قوّة الدفاع للبحرين مع نائب رئيس الوزراء لبريطانيا و وزيرى الخارجية و الدفاع و عددٍ من كبار المسئولين السياسيين و العسكريين و تناول البحث العلاقات السياسية و سُبُل دَعْم التعاون العسكرى.³

Бундан ташқари *عاهل* “хукумрон, давлатпаноҳ” кенг тарқалган умум араб сўзи бошқа мамлакатларда тез-тез қўлланилса, Саудия Арабистонида фақатгина хорижий подшоҳларни, қиролларни номлаш учун қўлланилади ва ҳеч қачон Абдулла Абд Саид қиролини номлаш учун қўлланилмайди⁴.

Диний лексикани кенг қўллаш Саудия матбуотининг яна бир қизиқарли хусусияти билан бевосита боғлиқдир: давлатнинг олий мансабдор шахслари номи зикр этилганда узун титулларни тез-тез қўллаш. Шу туфайли тасвирланаётган объектни юксалтирувчи, буюклаштирувчи ўзига хос маъно градацияси ясалади. Бадиий ифодавийликнинг бундай услуби тез-тез расмий услубда қўлланилади, масалан, расмий хатда мамлакат раҳбарлари ва давлат олий мансабдор шахсларига мурожат этганда. Аммо бошқа араб мамлакатларининг матбуоти тили учун бу ходиса Форс кўрфази мамлакатлари, айниқса, Саудия Арабистони матбуот тили учун характерли бўлганидек каби эмасдир.

Бундай титулатура аксарият ҳолларда музокара, учрашувлардаги алоҳида протокол вазиятларининг контекстида аксарият ҳолларда кузатилади. Бундай ҳолатларда *في وداع* «кузатиш пайтида», *في الإستقبال* «учрашув вақтида (масалан, аэропортда)», *حضر المقابلة* «... лар учрашувда бўлдилар» каби иборалар қўлланилади. Бир томондан, ҳокимиятнинг монархик шакли *صاحب السمو* «жаноби олийлари», *صاحب المعالي* «олам паноҳ», *صاحب الغلالة* «жаноб» (Бош вазирдан ташқари барча вазирларнинг титули). Бошқа томондан, дунёни ислом нуқтаи назаридан идрок этиш ҳам муҳим ролни ўйнайди. Шунга боғлиқ равишда Саудия матбуотида қуйидаги лексик бирликларни учратиш мумкин: *شيخ* «шейх» (диний уламоларга мурожат этганда), *اخ* «ака/биродар» (мусулмонни мусулмонга мурожат этганда) ва х.к. *فخامة* «буюклик» титули

³ Майбуров Н.А. Читаем и переводим арабскую газету. -М.: Муравей, 2003.-С.29

⁴ Блинов А.А. Территориальные варианты арабского литературного языка и их отражение в прессе. -М.: Афтореферат. 2009.

саудия ҳудудий вариантда бошқа мамлакатлар президентларини белгилаганда қўлланилади. Мисол:

تلقى صاحب السمو الشيخ زايد بن سلطان آل نهيان رئيس الدولة برقية جوابية من أخيه الملك فهد بن عبد العزيز آل سعود عاهل المملكة العربية السعودية, رداً على البرقية التي كان سموه بعث بها بمناسبة عبوره أجواء المملكة العربية السعودية الشقيقة.⁵

Юқорида келтирилган мисолларда куйидаги қоидалар кузатилади: саудияликлар дастлаб маълум давлат арбобининг титулини, кейин унинг исми шарифини сўнгра эса унинг мансаби ёки мансабларини келтирадилар. Мазкур ҳолатда мансабларнинг кўп сони ҳақида гапириш мумкин, улар ҳам кетма-кет келиб титул билан бир қаторда зарурий маданий тасвирни яратадилар. Саудия Арабистонида давлатнинг олий шахслари аксарият ҳолларда кўплаб турли мансабларни эгаллайдилар ва фаолиятнинг ҳар хил турлари учун масъул бўладилар, бу эса шу тарздаги хилма-хиллик вужудга келишига сабаб бўлади.

Саудий сўзларнинг мисоли сифатада куйидаги лексемалар хизмат қилади: «аср/оқшом» (айниқса, عصر أمس «кеча оқшом», عصر يوم «бугун оқшом» ва х.к.з.), مَقْدَم ва قُدُوم «келиш», manhağ «йўл» ва gālin сифати «қадирли, суюкли» маъносида, буларнинг барчаси Форс кўрфази мамлакатлари учун умумий тарзда хосдир (бошқа вариантларда бу сўз буюмнинг нархини белгилаш учун қўлланилади).

Араб адабий тилининг Саудия ҳудудий вариантыдаги ўзлаштирмалар ҳақида алоҳида гапириш мумкин. Мазкур ҳолатда уларнинг қўлланилиши чекланган, имконият туғилганида уларни араб эквивалентлари билан алмаштирадилар. Масалан, “вертолет” тушунчасини ифодалаш учун аксарият ҳолларда унинг араб эквивалентлари, яъни مرواحية ёки عُمُودِيَّة «таъйра» «автобус» حافلة «зал» قاعة «компьютер» حاسب العالی ва х.к.лар ишлатилади. Айнан бунда биз замонавий араб тилида мавжуд бўлган янги тушунчани белгилашда инглиз сўзининг асосида тенг ва қулай эквивалентни танлашга бўлган тенденцияни кузатамиз, айнан шу ҳодиса туфайли араб тили ўз софлигини сақлаб қолмоқда.

Саудия Арабистони ҳамда Форс кўрфазининг бошқа мамлакатларида, яъни ислом меъёрларига қатъий риоя қиладиган давлатларда рўзномаларда ой тақвимида ойларининг мусулмон номлари қўлланилади: محرم «Мухаррам», صفر «Сафар», ربيع الاول «Раби аль-авваль» ва х.к.).

Маъмурий ҳудудий жиҳатдан Саудия Арабистони 13 амирликка бўлинади, бу ерда улар асосан, منطقة إدارية «маъмурий туман» сўз бирикмаси билан аталади, аммо матнда кўпроқ мазкур сўзнинг соддароқ шакли бўлган منطقة кўпроқ

⁵.Фатеева И. Г. Араб матбуот тили устида ишлаш. -Т.:2004. –С.5

учрайди. Янада майдароқ маъмурий ҳудуд مُحَافَظَة «провинция»дир. Саудия Арабистонида округ тушунчаси مركز سۇزي ёрдамида белгиланади.

Саудия Арабистонидаги араб тилида морфологик хусусиятлар йўқ бўлишига қарамадан, бу ерда синтаксис нуқтаи назаридан бир қатор хусусиятлар кузатилади. Масалан, Саудия матбуотида доимо мажхул/пассив конструкцияларнинг кўп сони учраб туради. Ҳозирги пайтда умумараб газета тилида пассив конструкциялар аста-секин эскирмоқда, тобора кам ишлатилмоқда. Аммо саудия ҳудудий вариантыда улар жуда ҳам оммалашган.

Бошқа синтактик хусусият от ва сифатдан ташкил топган сўз бирикмасини диний контекстли сўз билан бўлинишидир. Араб адабий тилида бундай ҳолатларда мослашган аниқловчи иккинчи аъзо сифатида олмошдан иборат бўлган изофадан сўнг қўйилади. Аммо Саудия ҳудудий вариантыда бундай узвий алоқа юқорида ўрганилган диний контекстли сўзлар билан бузилади, улар кириш конструкцияси ролини ўйнаб, гапга осонгина киритилиши ва чиқарилиши мумкин. Масалан:

زيارته أيده الله التفقدية «уни назорат сафари (Аллоҳ кўмагида)».

Ҳақиқатда бундай ҳолатларда бу конструкциялар изофанинг қисми эмасдир, улар вергул билан ажратилиши ёки изофадан сўнг қўйилиши мумкин. Масалан, Саудия матбуотида қуйидаги вариантлар тез-тез учраб туради:

زيارته، حفظه الله، التفقدية، زيارته التفقدية أيده الله. Бундай услуб маҳаллий ҳудудий вариант учун жуда хосдир.

Араб адабий тилининг Миср ҳудудий варианты ва уни матбуотда акс этилишига тўхталадиган бўлсак, Мисрдаги араб адабий тилининг ҳудудий вариантнинг хусусиятларини Миср матбуоти материалида кузатиш қийин, чунки улар Тунис ва Саудия Арабистони каби ёрқин ифодаланмаган. Миср матбуоти араб тили замонавий ривожининг натижасидир. У ўзига хос замонавий газета услубининг намунаси. Бу ерда араб дунёсининг бошқа мамлакатларининг газеталарида ишлатиладиган умумараб сиёсий лексикаси, ўзига хос “газета” барқарор ибора ва конструкциялари қўлланилади.

وصل الرئيس المصري حسني مبارك إلى رومانيا في زيارة تستغرق 24 ساعة، هي المحطة الثانية من جولة قادته إلى المانيا و ستقوده إلى روسيا غداً. وسيجري الرئيس مبارك مباحثات مع الرئيس إيون إيليسكو. ويتوقع أن يكون الوضع في الشرق الأوسط في صلب أحداثات الرئيسين.⁶

Ҳозирги пайтда Миср матбуоти кўп жиҳатдан Ғарбий нашрларга ўхшаш. Гап шундаки, узоқ вақт давомида Миср бутун араб матбуотининг етакчиси, ўзига хос моданинг асосчиси ҳисобланган. Қолган мамлакатлар унинг ортидан эргашиб, бу соҳада Мисрни намуна деб тан олганлар. Бундан ташқари, кўплаб

⁶.Яковенько Э. В. Учебное пособие по дипломатической переписке.- М.:МГИМО(У)МИД России.2007.-С.7

ёзувчилар, жумладан, тунислик ёзувчилар ҳам ўзларининг биринчи ижодий асарларини айнан Миср нашриётларида жамоа ҳукмига ҳавола қилдилар. Қолган мамлакатларнинг матбуоти Миср матбуотига оҳангда, услубда, гап тузилиш ҳамда матнни ифодалаш хусусиятларида тақлид қилишга ҳаракат қилганлар. Бу эса ҳозирги пайтда Миср рўзнома ва ойномалари кўп жиҳатдан бутун араб дунёсининг нашрларини эслатишига олиб келди. Миср лексикаси ҳам кўп мамлакатларда умумқабул қилингандир. Масалан, عمل «иш» араб дунёсининг деярли барча мамлакатларида оммалашгандир, лекин شغل сўзи фақатгина мағриб мамлакатларида ишлатилади.

Араб адабий тили худудий вариантларининг пунктуация хусусиятлари барча мамлакатларда деярли бир хилдир, аммо Мисрда вазият бошқача: мисрликлар тиниш белгиларини ҳамма жойда қўллашга ҳаракат қиладилар, баъзида араб тили қонунларига мувофиқ ажратилиши лозим бўлмаганни ҳам ажратишга ҳаракат қиладилар. Бунда мисрликлар араб дунёсидан кўра, пунктуацияга кўпроқ эътибор қаратилган Ғарбий матбуот анъаналарига риоя қиладилар.

موسكو – وكالة أنباء الشرق الأوسط – وصل إلى موسكو امس...سفير جمهورية مصر العربية و
المفوض فوق العادة في روسيا الاتحادية لتسلم مهام عمله الجديد.⁷

Вергуллар ёрдамида мисрликлар ноанъанавий тарзда эргаш гапларни, фикрдан-фикрга ўтишни хаттоки, ўртасида кучли грамматик алоқалар бўлган гап бўлакларини, масалан, кесим-эга-тўлдирувчи бирикмасини ажратадилар. Бироқ бу гапни кўп маъноли қилиб қўяди. Масалан:

بدات إدارة مرور الجيدة, تطبيق نظام جديد
янги тартибни жорий эта бошлади».

Кириш конструкциялари ва бошқа оборотлар аксарият ҳолатларда тире билан ажратиладилар, дефис кўп қўлланилади, бир фикрдан бошқа фикрга ўтиш учун кўп нуқта қўлланилади. Сўзларни қўштирноқ билан ажратиш ҳам жуда қизиқдир, чунки мисрликлар улар умум араб қўлланилишидан фарқли бўлган тамоман турли вазиятларда доимо қўллайдилар. Булар ичига атоқли отлар (жумдаан, исм- шарифлар), турли сонлар (статистика, фоиз маълумотлари, йиллар сони, мақола, битим, резолюция, телефон ва х.к. рақамлари) ва метофаралар киради. Масалан:

«أغسطس الماضي نحو 7,5% - بلغ متوسط معدل التضخم السنوي في شهر أغسطس الماضي نحو 7,5%
инфляциянинг ўрта йиллик кўрсаткичлари 7,5% га етди».

Ўтган асрнинг 60-йилларигача мумтоз адабий араб тили сўзлари билан бир қатрда шева сўзларини қўллаш Миср матбуотида нафақат умумқабул қилинган

⁷ Майбуrow Н.А. Читаем и переводим арабскую газету. –М.: Муравей, 2003.-С.29

ходиса, балки ўзига хос модага айланди. Шундай қилиб, Миср рўзномалари оддий инсонларга уларнинг кундалик мулоқотда фойдаланган тиллари орқали яқинроқ бўлишга ҳаракат қилдилар. Ҳозирги Миср ҳудудий вариантыда Миср шеvasи сўзлари ва ибораларини кўчирма нутқда ишлатилади, бу айниқса, адабий матнларда кўп кузатилади, бу ерда аксарият ҳолларда оддий адабий сўзлар қуйида келтирилган шева сўзлар билан биргаликда қўлланилади. Масалан, نعال ta‘ālā «кел», قدام uddām «олди, олдинга», مدم «хонум, мадам» (Мисрда умум тарқалган ўрта ёшдаги аёлга бўлган мурожат), ميعاد «учрашув, висол» (умум адабий مؤعد ўрнига), عَرَبِيَّة «автомобиль, машина» (умум адабий سيارَة ўрнига), إلي «қайсики» (умум адабий الذي ўрнига).

Бундай ҳолатларда шева birlikлари адабий тил доирасидаги ўзига хос киритишлар ҳисобланади, улар адабий тилнинг тузилмасига таъсир ўтказмайдилар, аммо Миср матбуотида ўз пайтида маҳаллий газета лексикаси томонидан Миср шеvasидан ўзлаштирилган ва тилда қаттиқ мустаҳкамланган лексик birlikлар ҳам учрайди.

Масалан, маҳаллий ҳудудий вариантда مصر “Миср” лексемаси аксарият ҳолларда “Қоҳира” маҳаллий шеvasи қўлланилади. Бошқа шева сўзи كرنية “гувоҳнома” миср тилига француз тилидан (carnet «рўйхат, реестр») кириб келган бўлиб, Миср матбуотида кенг қўлланилади. Миср шеvasига италян тилидан кириб келган لوكندة «меҳмонхона» лексема ҳам тез-тез учраб туради.

Миср матбуотида асосан инглиз тилидадан ўзлаштирилган сўзлар учрайди, бу Мисрда инглиз ҳукмронлигининг узок муддат давом этгани билан тавсифланади. Ҳозирги пайтда баъзи бир араб терминлари учун 2 ном – хорижий ўзлаштирама (мазкур ҳолатда инглиз сўзи) ва унга мувофиқ араб эквиваленти мавжудлиги ҳаммага маълум. Миср газеталарининг таҳлили шуни кўрсатадики, мисрликлар матнда айнан инглиз тилидан ўзлаштирилган сўзларни қўллашни маъкул кўрадилар. ميكروباص «автобус», باص, أوئوبيس «микроавтобус» каби бир-бирига яқин бўлган сўзлар тез-тез мисрлик журналистлар томонидан қўлланилади ва Мисрда кенг тарқалгандир. Мисрда “телефон” сўзи تلفون (ингл. telephone), «мобил телефон» - التلفون المحمول (al-mahmūl) ёки موبيل (ингл. mobile phone) сўзларидан ясалган. كُنترول Kuntrūl (инглиз. control «назорат») лексемаси ҳам миср ҳудудидаги араб тилига инглиз тилидан кириб келган, бундай сўзлар бошқа ҳудудий вариантларга хос эмас, мисрликлар уни тез мослаштириб, كُنترولات (тартибга солувчи органлар) дериватини ясадилар. ديسك оти ҳам Мисрда 2 инглиз сўзи disk «диск» ва desk «редакция» ни қайта англашиш натижасида шаклланди, аммо улар араб тилида [e] фонемаси бўлмаганлиги сабаб бир сўз билан белгилайдилар.

Юқорида санаб ўтилган миср худудий вариантни янги сўзлар билан бойитилишининг алоҳида туридир. Бир томондан, бу ерда барча араб мамлакталарида маълум бўлган, Миср минтақасида кўпроқ қўлланиладиган ўзлаштирилма қузатилади (أوتوبيس ва تلفون кабилар). Бошқа томондан, маҳаллий худудий вариант замонавий умумараб тилида деярли номаълум бўлган янги ўзлаштирилмаларнинг бир қаторини тақдим этади (ديسك، ديكلات ва х.к.).

Миср рўзномаларида ойларнинг асосан транслитерация қилинган ва қисман мослаштирилган европа номлари қўлланилади (يناير «январь», فبراير «февраль», مارس «март» ва х.к.), баъзида куёш тақвими ойлари асл араб номлари қўлланилади (كانون الثاني «январь», شباط «февраль», آذار «март» ва х.к.).

Маъмурий-худудий муносабатда Миср 28 та провинция (محافظة) ва ўз-ўзини бошқарадиган битта шаҳардан иборат (Луксор). Ҳар бир провинцияни губернатор (محافظ) бошқаради, уни миср Президенти тайинлайди. Миср провинцияларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: шаҳар туридаги провинциялар ва қишлоқ туридаги провинциялар, улар ўз ичига майдароқ бирликларни (مركز марказларни) ёки бир нечта қишлоқлар гуруҳи бўлган маъмурий округларни киритадилар.

ХУЛОСА

Араб матбуоти ҳозирги глобаллашув шароитида муҳим аҳамият касб этади. Арабларнинг 22 давлати матбуоти ўзига хос хусусият, сўз қўллаш, гап таркиби унсурларига эгадир. Шунингдек, араб тилига чет тиллардан ўзлаштирилган сўзларнинг қўлланиши ҳам турли араб давлатларида турлича. Арабшунос олим В.М.Белкиннинг таъкидлашича, "Замонавий араб адабий тилини ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, Европа тилларидан олинган ўзлашма сўзларнинг умумий миқдори у қадар кўп эмас ва луғат бойлигининг бир фоизига яқин қисминигина ташкил қилади".⁸

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Фатеева И.Г. Араб матбуот тили устида ишлаш. -Т.:2004
2. Яковенько Э.В. Учебное пособие по дипломатической переписке. – М.:МГИМО(У)МИД России.2007
3. Майбуров Н.А. Читаем и переводим арабскую газету.- М.: Муравей, 2003
4. Блинов А.А. Территориальные варианты арабского литературного языка и их отражений в прессе.. автореф. Диссер. на соискание ученой степени кандидата филологических наук.Москва 2009

⁸ Белкин В.М. Арабская лексикология - М.:1975. - С. 117.

5. Белкин В.М. Язык арабской прессы: Информационно-описательные тексты, часть 1, -М.: Изд. Моск. ун-та, 1978.
6. Botirovich A. S. TARJIMASHUNOSLIKDA USLUB MUAMMOSINING O‘RGANILGANLIGI //Ta’lim fidoyilari. – 2022. – Т. 18. – №. 5. – С. 359-362.
7. Abdunabiev S. B. THE LEXICOLOGICAL AND SEMANTIC CHARACTERISTICS OF THE WORDS ENTERED INTO UZBEK FROM ARABIC //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" SCIENTIFIC ADVANCES AND INNOVATIVE APPROACHES". – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 68-70.
8. Abdunabiev S. B. TERMINOLOGY IN ARABIC LINGUISTICS //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 11. – С. 285-290.
9. Shamukhutovna K. A. Trends in the Development of Satirical Journalism in the Uzbek Press //Texas Journal of Philology, Culture and History. – 2022. – Т. 13. – С. 58-61.
10. Shamukhutovna K. A. THE CONTENT OF RECREATIONAL FUNCTION IN JOURNALISM //EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). – 2023. – Т. 9. – №. 5. – С. 318-320.
11. Абдунабиев, С. Б. (2024). АРАБ ТИЛИДАГИ СИЁСИЙ АТАМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 4(3), 256-263.
12. Азимова, Н. (2023). МАДАНИЯТЛАР ҚИЁСИ ВА УНИНГ ТАРЖИМАДА АКС ЭТТИРИЛИШИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1-2), 279-282.
13. Azimova, N. S. (2024). "الأهرام" VA "الأخبار" GAZETALARIDA YORDAMCHI FE‘LLARNING QO‘LLANILISHI. *JOURNAL OF SCIENCE, RESEARCH AND TEACHING*, 3(4), 117-121.
14. Niyozova, O. E. (2024). O‘XSHATISHLLARNI VUJUDGA KELTIRUVCHI GRAMMATIK VOSITALARNI TARJIMADA IFODALANISHI. *ZAMONAVIY TARAQQIYOTDA ILM-FAN VA MADANIYATNING O‘RNI*, 3(2), 34-37.
15. Niyozova, O. E. (2024). KOREYS VA O‘ZBEK MULOQOTIDA SALOMLASHISH XUSUSIYATLARI. *ILM FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY METODLARNING QO‘LLANILISHI*, 4(2), 26-28.
16. Niyozova, O. E. (2022). O‘ZBEKCHA-KOREYSCHA TARJIMALARDA O‘XSHATISHLLARNI TARJIMA QILISH USULLARI. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 27-34.

17. Niyozova, O. E. (2021). O‘ZBEKCHA-KOREYSCHA TARJIMALARDA O‘XSHATISHLARNI VUJUDGA KELTIRUVCHI GRAMMATIK VOSITALAR TARJIMASI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(6), 70-76.